

Узбекистана поставлена задача довести объем экспорта плодоовощной продукции до 5 млрд. долларов [11]. В качестве одного из резервов для достижения этого результата указывается эффективное использование незадействованных возможностей, в частности использования пустующих земель и выращивания востребованных сортов плодоовощной продукции. Планируется создание кооперативов с участием экспортеров, должны открыться учебные центры для обучения агротехнике.

На очередном совещании 5 ноября 2019 года рассматривались вопросы дальнейшего развития плодоовощеводства и увеличения экспорта отрасли, обеспечения эффективного использования приусадебных земель населения [12]. Указано на возможность довести экспорт плодоовощной продукции до 2,5 млрд долларов в следующем году и до 5 млрд долларов в последующие три года.

Было решено отказаться от старой системы производства и сбыта и организовать новую непрерывную цепочку производства, то есть систему кооперативов и кластеров по всей стране. Перед Министерством сельского хозяйства и другими органами власти поставлена задача организовать плантации по выращиванию саженцев плодовых деревьев и винограда.

Для увеличения экспорта необходимо ежегодное наращивание производства на 8–10% и заготавливать дополнительно более 1 млн тонн плодоовощной продукции. Планируется ввести в оборот 77 тыс га земель для продовольственных и 200 тыс га для овощных культур.

Таким образом, на сегодняшний день можно констатировать факт, что в Узбекистане идет процесс совершенствования системы поддержки экспортной деятельности на институциональном уровне, при котором совершенствуются законодательные рамки и организационная платформа, призванная стимулировать и координировать внешнеторговую деятельность. Процесс институционализации системы поддержки экспорта еще не закончен. Одновременно, формируется и система финансовых поддерживающих механизмов. Кроме мер сугубо торгового характера, параллельно уделяется важное внимание вопросам интенсификации производства плодоовощной продукции, с привлечением научных кадров, использования современных технологий и организации эффективной деятельности субъектов сельскохозяйственного производства и предпринимательства.

### **Источники и литературы:**

1. *Повышение потенциала плодоовощной отрасли Узбекистана путем развития производства и экспорта нетрадиционных видов продукции, востребованных на внешних рынках сбыта. Аналитический доклад Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан. Ташкент. 2019 г.*
2. *Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития в 2017-2021 годах. Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07.02.2017 г.*
3. *Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности продвижения плодоовощной продукции на внешние рынки» № ПП-3978 от 17.10.2018 г. № ПП-3978*
4. *Постановление Президента №4069 от 20 декабря 2018 года «О мерах по усилению содействия и стимулирования экспорта»*
5. *Постановление Президента «О мерах по расширению механизмов финансирования и страховой защиты экспортной деятельности» №-4337 от 24.05.2019*
6. <http://www.uzaijsa.uz>
7. <http://www.chamber.uz/>
8. <http://www.chamber.uz/ru/page/909>
9. <https://www.standart.uz>
10. <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/02/17667/?print=Y>
11. <https://president.uz/ru/lists/view/2941>
12. <https://president.uz/ru/lists/view/2992>

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

**Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич –  
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришининг илмий  
асослари ва муаммолари» ИТМ, и.ф.н., к.и.х.**

**Аннотация:** Мақолада Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлил қилинган, жумладан, ташқи савдо, экспорт ва импорт кўрсаткичлари ўрганилган. Шунингдек, экспорт ва импорт кўрсаткичлари товарлар ва хизматлар бўйича хорижий мамлакатлар кесимида таҳлили асосида унинг устуворликлари ва камчиликлари очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, экспорт, импорт, маҳсулот, хизмат, хорижий мамлакат, рақобат, таҳлил.

**Аннотация:** В статье анализирована внешнеэкономическая деятельность Наманганской области, изучены показатели внешней торговли, экспорта и импорта. А также, раскрыты преимущества и недостатки на основе анализа показателей экспорта и импорта товаров и услуг по зарубежным странам.

**Ключевые слова:** Внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, экспорт, импорт, товар, услуга, зарубежные страны, конкуренция, анализ.

**Annotation:** The article analyzes the foreign economic activity of the Namangan region, the indicators of foreign trade, export and import are studied. And also, the advantages and disadvantages based on the analysis of indicators of export and import of goods and services in the context of the foreign countries are revealed.

**Key words:** Foreign economic activity, foreign trade, export, import, goods, service, foreign countries, competition, analyses.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида, 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалардан бири сифатида – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш белгиланган[1].

Албатта, Давлат раҳбаримиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мамлакатимиз минтақаларининг имкониятлари ва салоҳиятларига бевоқиф таянилади. Зеро, минтақалар томонидан мустақил равишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг юқори самарадорликда ривожлантирилиши, миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг такомиллашуви ҳамда минтақанинг устувор тармоқларининг янада ривожланишига асос солади. Бунинг учун, фикримизча, республикамизнинг ҳар бир минтақасининг сўнгги йилларда ташқи иқтисодий фаолиятининг кенг қамровли таҳлили амалга оширилиши белгиланган вазифаларнинг юқори самарадорликда ижросини таъминлашга эришилади. Ушбу борада, тадқиқотимиз республикамизнинг Наманган вилоятида 2016-2018 йй.

ташқи иқтисодий фаолиятида эришилган натижаларни таҳлил қилишга бағишланган.

**Ташқи савдо айланмаси.** 2016-2018 йй. Наманган вилояти ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларида барқарор ўсиш тенденциялар кузатилган ва жами кўрсаткич 1678,8 млн. долларни ташкил этган бўлса, унинг асосини, экспорт 567,2 млн. доллар ва импорт 1111,6 млн. доллар ташкил этган. Туманлар кесимида энг юқори ташқи савдо айланмаси, Наманган ш. (536,5 млн.доллар), Тўрақўрғон (296,2), Учқўрғон (208,4), Наманган (198,6) кузатилган бўлиб, мазкур туманлар вилоятнинг жами ташқи савдо айланмасининг 80 %дан ортиғини таъминлаган. Аммо, жами ҳисобда вилоят бўйича ушбу туманларнинг улуши юқори бўлишига қарамасдан, барқарор ўсиш фақат, Наманган ш., Наманган ва Уйчи туманларида кузатилган, шу билан бирга мазкур кўрсаткичнинг кескин пасайиш тенденциялари Учқўрғонда (-59,4 млн. доллар), Янгиқўрғонда (-51,1) ва Чортоқда (-18,6) кузатилган.

Белгиланган лозимки, ташқи савдо айланмаси жами вилоятдаги улуши юқори бўлмаसा ҳам, лекин бу кўрсаткичнинг барқарор ўсиши Косонсойда, Попда, Чустда кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Наманган вилоятининг 2016-2018 йй. ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (млн. АҚШ доллар)[5]**

№	Шаҳар ва туманлар номи	2016 йил			2017 йил			2018 йил		
		ТСА	Экспорт	Импорт	ТСА	Экспорт	Импорт	ТСА	Экспорт	Импорт
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>475,9</b>	<b>158,6</b>	<b>317,3</b>	<b>525,9</b>	<b>196,2</b>	<b>329,7</b>	<b>677,0</b>	<b>212,4</b>	<b>464,6</b>
1	Наманган ш.	121,7	46,2	75,5	145,4	54,5	90,9	269,4	81,5	187,9
2	Мингбулоқ	1,0	0,8	0,2	23,4	21,4	2,0	2,3	1,1	1,2
3	Косонсой	3,8	0,7	3,1	12,5	6,1	6,4	34,4	11,8	22,6
4	Наманган	55,3	25,0	30,3	60,3	18,5	41,8	83,0	26,0	57,0
5	Норин	5,9	3,6	2,3	0,9	0,5	0,4	12,1	2,9	9,2
6	Поп	0,5	0,03	0,5	15,8	5,0	10,8	18,6	6,4	12,2
7	Тўрақўрғон	34,6	22,0	12,6	154,6	30,0	124,6	107,0	27,0	80,0
8	Уйчи	29,5	15,5	14,0	28,4	16,3	12,1	44,2	15,2	29,0
9	Учқўрғон	116,8	0,9	115,9	34,2	11,0	23,2	57,4	19,1	38,3
10	Чортоқ	34,5	0,2	34,3	8,3	4,0	4,3	15,9	9,3	6,6
11	Чуст	10,5	6,9	3,6	12,4	8,6	3,8	22,0	9,9	12,1
12	Янгиқўрғон	61,8	36,8	25,0	29,7	20,3	9,4	10,7	2,2	8,5

\* ТСА - Ташқи савдо айланмаси.

**Экспорт.** Вилюятнинг барча туман ва шаҳарлари экспорт жараёнида иштирок этгани холда, жами экспорт 567,2 млн. долларни ташкил этган ва 2016-2018 йй. оралиғида фақат ўсиш тенденциялари кузатилган (53,7 млн. долларга). Бунда экспортнинг 67% улуши 4та ҳудудга тўғри келган, Наманган ш. (32%), Наманган (12,2%), Тўрақўрғон (14%), Уйчи (8,3%). Белгилаш лозимки, мазкур туманларда экспорт кўрсаткичи қисқа даврда кескин ўсиши билан характерланади, жумладан, Косонсойда (0,7 млн. доллардан 11,9 млн. долларга), Попда (30 минг доллардан 6,4 млн. долларга), Учқўрғонда (0,9 млн. доллардан 19,1 млн. долларга), Чортоқда (0,2 млн. доллардан 9,3 млн. долларга). Аксинча пасайиш тенденцияси Янгиқўрғонда (-34,6 млн. доллар), Норинда (-700 минг доллар), Уйчида (-300 минг доллар) кузатилган.

Вилюятнинг хорижий мамлакатлар кесимидаги экспорти 2 йўналишда таҳлил қилиш мумкин, МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий мамлакатларга амалга оширилган экспорт бўйича. Жумладан, экспортнинг 69 % МДХ мамлакатларига ва 31 % бошқа хорижий мамлакатларга амалга оширилган. Бунда, МДХ мамлакатларига амалга оширилган жами экспортнинг 78%и 4та туманга тўғри келган (Наманган ш. – 36%, Янгиқўрғон – 14,6%, Наманган ва Тўрақўрғонга 13,6 %дан ортик). Экспортнинг энг юқори кўрсаткичи Наманган ш., Янгиқўрғон, Наманган т., Тўрақўрғон, Учқўрғонга тўғри келган.

Эътиборли жиҳати, қисқа даврда вилюят бўйича улуши юқори бўлмаса ҳам, аммо кескин ўсиш кўрсаткичи Косонсойда (0,7 млн. доллардан 8,7 млн. долларгачан), Чортоқда (0,2 млн. доллардан 8,3 млн. долларгачан), Учқўрғонда (0,5 млн. доллардан 12,8 млн. долларгачан) кузатилган. Аксинча, МДХ мамлакатларига экспортнинг кучли турғунлиги – барқарорсизлик, Мингбулоқда ва Норинда кузатилган бўлса, кескин пасайиш тенденцияси Янгиқўрғон туманида бўлган (1-жадвал).

МДХ мамлакатларига вилюят бўйича жами экспортнинг энг юқори улуши Россияга тўғри келган – 195,4 млн. доллар, кейинги ўринда Қозоғистон – 116,4 млн. доллар, Арманистон – 32,1 млн. доллар, Украина – 7,3 млн. доллар (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларига кўра, ижобий сальдо асосан МДХ мамлакатлари билан эришилган ва улардан, Россия, Қозоғистон,

Арманистон, Қирғизистон. Иқтисодийети ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, Германия (-80,0 млн. доллар), Хитой (-123,7), Латвия (-129,5), Туркия (-35,7), Жанубий Корея (-31,3), Литва (-33,9), Италия (-11,5) ва бошқа хорижий мамлакатлар билан манфий сальдо кузатилган.

Туманлар кесимида бошқа хорижий мамлакатларга амалга оширилган экспортнинг 73 % 3 та туманга тўғри келган – Наманган ш. (28%), Уйчи (27,5%) ва Тўрақўрғон (17,5%). Кескин ўсиш Косонсойда (3,1 млн. доллар), Учқўрғонда (5,7 млн. доллар), Чустда (1,0 млн. доллар) ва Чортоқда (1,4 млн. доллар) ташкил этган бўлса, энг паст ўсиш кўрсаткичи Норинда (55 минг доллар), Мингбулоқда (352 минг доллар) кузатилган.

Мамлакатлар кесимида таҳлилларга кўра, бошқа хорижий мамлакатлар бўйича экспортнинг 60,8 % Хитойга, Афғонистонга 11,7 млн. доллар, Туркияга 9,4 млн. доллар, Ҳиндистонга 3,4 млн. доллар амалга оширилган, шунингдек, экспортнинг ўсиши Покистон, Литва, Венгрия, Вьетнам, Италия, Жанубий Кореяда кузатилган.

Аммо, таҳлилларга кўра, экспорт муносабатлари ўрнатилган хорижий мамлакатларнинг 50 % билан ижобий натижаларга эришилмаган ва ушбу кўрсаткичнинг пасайиши Афғонистон, БАА, Латвия, Германия, Эронда кузатилган.

Товарлар бўйича экспортнинг устуворлиги озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келган ва таҳлил даврида жами 212,9 млн. долларни (ёки 35 %ни) ташкил этган. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича таҳлил даврида вилюят кўрсаткичларига кўра экспортнинг импортдан устуворлиги кузатилган (3-жадвал).

Кейинги ўринда хизматлар соҳаси экспорти – 26,9 млн. долларни (4 %), машина ва асбоб ускуналар – 5,5 млн. долларни, қора ва рангли металллар – 1,6 млн. долларни, кимё маҳсулотлари ва буюмлари – 1,2 млн. долларни ташкил этган бўлса, бошқа товарлар таркибида ҳам кескин ўсиш кузатилган ва 287,2 млн. долларни (50,6%ни) ташкил этган. Таҳлил даврида вилюятда кимё маҳсулотларининг экспорти жами 1,2 млн. долларни ташкил этган (ўсиш 1,0 млн. доллар). Аммо, кимё маҳсулотларининг экспортга кўра импорт кўрсаткичининг устуворлиги кузатилган.

Наманган вилоятининг хорижий давлатлар кесимида экспорт ҳажми  
(минг АҚШ доллар)[5]

Мамлакатлар	Экспорт	Импорт	Сальдо (+,-)
<b>МДҲ давлатлари билан</b>			
Озарбайжон	663,1	10,2	652,9
Арманистон	32187,9	31,9	32156
Беларусь	2388,8	5405,8	-3017
Қозоғистон	116468,0	79988,6	36479,4
Қирғизистон	28471,6	5607,1	22864,5
Молдова	2032,9	281,1	1751,8
Россия	195472,3	143961,5	51510,8
Тоджикистон	2349,6	289,8	2059,84
Туркманистон	4253,3	16402,6	-12149,3
Украина	7334,8	16157,7	-8822,88
<b>Бошқа хорижий мамлакатлар билан</b>			
Афғонистон	11711,7	0	11711,7
АҚШ	204,2	8002,5	-7798,3
БАА	933,5	45,0	888,5
Бельгия	51,6	1794,3	-1742,7
Болгария	136,6	10,2	126,4
Буюк Британия	472,4	1160,5	-688,1
Венгрия	658,1	3862,1	-3204
Вьетнам	249,2	7485,7	-7236,5
Венесуэла	2410,8	0	2410,8
Германия	432,2	80505,9	-80073,7
Грузия	99,3	245,9	-146,6
Руминия	31,5	604,3	-572,8
Жанубий Корея	1880,2	33277,8	-31397,6
Италия	536,0	12053,9	-11517,9
Индонезия	16,6	58,6	-42
Канада	0,1	35,0	-34,9
Чехия	0,4	68,1	-67,7
Латвия	758,7	130338,2	-129580
Литва	1203,1	35158,1	-33955
Малайзия	76,4	5441,7	-5365,3
Нидерландия	0,1	3365,4	-3365,3
Покистон	1986,3	86,0	1900,3
Польша	313,2	1900,0	-1586,76
Португалия	280,7	22,3	258,4
Сербия	20,5	168,1	-147,6
Словения	101,8	9,0	92,8
Туркия	9429,4	45206,6	-35777,2
Хитой	68758,6	192532,2	-123774
Хиндистон	3488,8	15501,3	-12012,5
Эрон	983,6	370,8	612,8

Белгилаш лозимки, озиқ-овқат маҳсулотларининг товарлар экспортида улуши юқори бўлиши билан бирга ушбу кўрсаткич 2018 й. 16,7 млн. долларга ҳамда энергия мабаалари ва нефт маҳсулотлари экспорти ҳам 551,3 минг долларга пасайган. Машина ва асбоб ускуналарнинг вилоят бўйича жами экспорти 5,4 млн. долларни ташкил этган ва унинг 98 %дан ортиғи Наманган ш. тўғри келади. Йиллар бўйича таҳлилга кўра, экспортнинг 81%и 2018 й. тўғри келган (3-жадвал).

**Импорт.** Таҳлил даврида вилоятнинг жами импорт кўрсаткичи 1111,6 млн. долларни ташкил этган ва йиллар кесимида

мунтазам ўсиши тенденцияси сақланиб келган, натижада 2016 й. нисбатан импорт 147,3 млн. долларга ўсган. Импортнинг 79%и 4та туманга тўғри келган – Наманган ш. (32%), Наманган (11,6%), Тўрақўрғон (19,5%), Учқўрғонга (16%). Демакки, мазкур туманларда импортнинг кескин ўсиши кузатилган, жумладан, Наманган ш. – 112,4 млн. доллар, Тўрақўрғон – 67,4 млн. доллар, Наманган – 26,7 млн. доллар, Косонсой – 19,5 млн. доллар. Ижобий ҳолат сифатида импортнинг пасайиш тенденциялари бўлганлигини белгилаш мумкин. Улар жумласидан, Учқўрғонда – 77,6 млн. доллар, Чортоқда – 27,7 млн. доллар, Янгиқўрғонда – 16,5 млн. доллар.

Наманган вилоятида экспорт-импорт операцияларнинг товар ва хизматлар бўйича таркиби (минг АҚШ доллар) [5]

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Жами
<b>Жами экспорт</b>				
Озиқ-овқат маҳсулотлари	72 349,80	78 695,40	61 917,20	212 962,4
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	17,8	211,2	1044,1	1273,1
Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	566,3	43,5	15	624,8
Қора металллар ва ундан тайёрланган буюмлар	369,6	421,1	812,1	1602,8
Рангли металллар ва ундан тайёрланган буюмлар			7,3	7,3
Машина ва асбоб ускуналар	674	363,4	4 448,30	5485,7
Хизматлар	9 499,50	5 436,40	11 985,00	26920,9
Бошқалар	59 395,60	100 294,00	127 561,00	287250,6
<b>Жами импорт</b>				
Озиқ-овқат маҳсулотлари	50 865,80	48 651,50	61 113,40	160 630,7
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	46 315,30	73 314,50	101 910,60	221540,4
Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	1885,1	1 697,00	2238,1	5820,2
Қора металллар ва ундан тайёрланган буюмлар	15 125,80	14 570,70	11 359,90	41056,4
Рангли металллар ва ундан тайёрланган буюмлар	407,1	360,4	351,3	1118,8
Машина ва асбоб ускуналар	168 489,00	92 477,70	183 087,70	444054,4
Хизматлар	1 516,80	654,2	1 104,70	3275,7
Бошқалар	31 995,10	84 113,70	97 839,70	213948,5

Вилоятнинг импорт операциялари барча ташқи иқтисодий фаолият ўрнатилган мамлакатлар билан амалга оширилган ва таҳлил даврида МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий мамлакатлар билан жами импорт операцияларнинг фақат ўсиш тенденциялари кузатилган.

МДХ мамлакатларидан вилоятнинг 53,6 % импорти Россияга, 30% Қозоғистонга тўғри келган, жумладан, импортнинг ўсиши Россиядан (25,5 млн. долларга), Туркменистондан (5,4) ва Украинадан (7,0) кузатилган бўлса, аксинча пасайиш тенденцияси, Қозоғистондан (3,3), Молдовадан (0,1), Тожикистондан (0,2) кузатилган. Бошқа хорижий мамлакатлардан жами импортнинг салмоқли улуши Хитойдан (192,5 млн. доллар), Латвия (130,3), Германия (80,5), Жанубий Корея (33,2), Туркия (11,3) мамлакатларидан амалга оширилган. Аксинча, пасайиш тенденциялари Латвиядан (65,4 млн. доллар), Литвадан (22,3), Малайзиядан (4,4) кузатилган.

3-жадвал маълумотларига кўра, вилоятнинг жами импортнинг 74,2 % 3та товарлар таркибига тўғри келган, булар, озиқ-овқат маҳсулотлари (160,6 млн. доллар), кимё маҳсулотлари ва буюмлари (221,5 млн. доллар), машина ва асбоб ускуналарга (444 млн. доллар). Импорт бўйича, салбий кўрсаткич сифатида вилоятнинг аксарият туманларида озиқ-овқат маҳсулотлари импортнинг ўсишини келтириш мумкин, улар, Наманган ш., Косонсой (импортнинг экспортдан кес-

кин ошиши кузатилган), Норин, Тўрақўрғон, Чуст.

Белгилаш лозимки, кимё маҳсулотларига бўлган импорт талаби барча туманларда кузатилади ва эътиборли жиҳати таҳлил даврида мазкур талабнинг фақат кескин суръатларда ўсиши кузатилган (4-жадвал).

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- Хорижий мамлакатлардан вилоятнинг энг йирик савдо ҳамкорлари, Россия, Қозоғистон, Хитой, Арманистон, Қирғизистон, Германия, Жанубий Корея, Латвия каби мамлакатлар бўлса, улардан, фақат Россия, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон билан ижобий сальдога эришилган. Аксинча, Германия, Хитой, Латвия, Туркия, Жанубий Корея, Литва, Италия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан манфий сальдо кузатилган.

- Вилоятда 50дан ортиқ мамлакатлар билан экспорт муносабатлари ўрнатилган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти билан фақат бир йил экспорт амалга оширилган, яъни, экспорт муносабатларининг давомийлиги кузатилмаган. МДХ ҳамда бошқа хорижий мамлакатларга амалга оширилган экспорт кўрсаткичлари Наманган ш., Косонсой, Учқўрғон ва Чуст туманларида тенг равишда ривожланган бўлса, аксинча, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида мазкур кўрсаткичларнинг иккала йўналиши бўйича кескин пасайиш тенденцияси кузатилган.

Наманган вилоятида кимё маҳсулотлари импорти (минг АҚШ доллари)[5]

		2016 йил	2017 йил	2018 йил	Жами
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>101910,6</b>	<b>73314,5</b>	<b>46315,3</b>	<b>221540,4</b>
1	Наманган ш.	62749,2	31486,5	21847,2	116082,9
2	Мингбулоқ	42,8	0,8		43,6
3	Косонсой	6005,5	671,6	273,7	6950,8
4	Наманган	15845,8	14025,8	8146	38017,6
5	Норин	1073,2	208,6		1281,8
6	Поп	535,5	545,7	90,3	1171,5
7	Тўрақўрғон	5619,7	12653,5	2495,6	20768,8
8	Уйчи	3922,4	5732,5	4362,4	14017,3
9	Учқўрғон	2726,3	2265,9	312,8	5305
10	Чортоқ	450	341,2	3535,2	4326,4
11	Чуст	827,5	1438,3	1776,7	4042,5
12	Янгиқўрғон	2112,7	3944,1	3475,4	9532,2

- Вилоят бўйича жами импортнинг жами экспортдан ўзгаришсиз устуворлиги кузатилган, жумладан, МДХ мамлакатларидан импортнинг салмоқли улуши Россияга ва Қозоғистонга тўғри келса ҳам, улар билан ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосига эришилган. Аксинча, Беларусь, Туркменистон ва Украинадан импортнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари кузатилган. Бошқа хорижий мамлакатларнинг аксарияти билан (80 %дан ортиқ) импортнинг фақат кескин ўсиб бориш тенденцияси кузатилган, бунинг натижасида ташқи савдо айланмасининг манфий сальдоси кузатилган.

Товарлар таркиби бўйича:

- **озиқ-овқат маҳсулотлари:** вилоятнинг озиқ-овқат маҳсулотлари экспортнинг импортдан устуворлиги кузатилган бўлса ҳам, аммо, аввалги йилларда импорти бўлмаган туманларда импортнинг тобора ортиб бориш тенденцияси кузатилган. Фикримизча, ушбу ҳолат, вилоятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган тўйинмаган талабнинг мавжудлиги ва у йилдан-йилга ортиб бораётганлигини билдиради;

- кимё маҳсулотлари ва буюмлари: вилоят бўйича кимё маҳсулотларининг экспортга нисбатан (экспортнинг ўсиш тенденциясига қарамасдан) импорти юқори кўрсаткичларга эга ва бу жараён барча шаҳар ва туманларда кузатилган, бундан хулоса қилиш мумкинки вилоятда мазкур маҳсулотлар турига тўйинмаган талаб юқори дара-

жада ва бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолиши эҳтимоли юқори;

- хизматлар бўйича экспорт фаолиятида умуман иштирок этмаётган Наманган, Норин, Учқўрғон туманларининг имкониятларини ўрганиш талаб этилади, шунингдек, экспортнинг ушбу кўрсаткичини янада ошириш имкониятларидан бири сифатида, улуши нисбатан юқори бўлмаган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида экспорт кўрсаткичларини ошириш имкониятларини аниқлаш талаб этилади;

- машина ва асбоб ускуналар: экспорт кўрсаткичи қисман бўлган, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари ҳамда умуман иштирок этмаган бошқа туманларнинг имкониятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, вилоятнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан бири бу, экспорт фаолияти ўрнатилган мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларнинг давомийлигини таъминлашга қаратилган механизмларни ўз ичига қамраб олиши зарур. Чунки, тадқиқот натижаларига кўра, таҳлил даврида айрим мамлакатлар билан экспорт операциялари амалга оширилган, аммо уларнинг давомийлиги таъминланмаган, яъни, фақат бир йиллик экспорт амалга оширилган ва улар, Вьетнам, Гонконг, Индонезия, Чехия, Ливан, Малайзия, Нидерландия, Португалия ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

**Манба ва адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, 2000 йил 26 май, 77-II-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 488 б.
5. Наманган вилоят Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.